

Навоий вилояти ҳокими, сенатор
Нормат Турсуновнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари
ташкил этилганининг 33 йиллиги ва
Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан
БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли аскар ва сержантлар!
Ҳурматли офицерлар ва муҳ-
тарам Қуролли Кучларимиз фах-
рийлари!

Аввало, барчангизни Ўзбеки-
стон Республикаси Қуролли Кучлари
ташкил этилганининг 33 йиллиги ва
Ватан ҳимоячилари куни билан чин
қалбимдан самимий муборакбод
этиб, ушбу кутлуғ айёмда ўз ҳаё-

тини Ватан ҳимоясидек улуг ишга
бағишлаган Сиз, азму шижоатли
ҳарбий хизматчиларни шарафлаб,
халқимиз, мамлакатимиз тинчлиги
ва хавфсизлиги йўлидаги хизмат-
ларингиз учун барчангизга чуқур
миннатдорлик изҳор этаман.

Президентимиз раҳбарлигида
сўнги йилларда амалга оширилган
туб ислохотларимиз туфайли тари-

хан қисқа даврда Ўзбекистон Рес-
публикаси суверенетети ва ҳудудий
яхлитлигини, сарҳадларимиз дахл-
сизлигини ишончли ҳимоя қилишга
қодир бўлган, тезкор ва ихчам мил-
лий армияни ташкил этишга эри-
шилди.

Ана шундай буюк тарихий жара-
ёнда халқимизнинг ҳарбий соҳада-
ги бой меросига таяниб, Жалолид-
дин Мангуберди, Соҳибқирон Амир
Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бо-
бур каби буюк саркарда боболари-
мизнинг жанговар анъаналарини
муносиб давом эттириб келаётган,
жисмоний ва маънавий етук, замо-
навий билим, қурол-яроғ ва техни-
каларни пухта эгаллаган, давлат
ва халқ манфаатлари учун ҳар қан-
дай синов ва машаққатларни енгиб
ўтишга тайёр бўлган ҳарбийлари-
миз доимо фаол иштирок этиб ке-
лаётганлари юксак эътирофга му-
носибдир.

Таъкидлаш жоизки, Ҳарбий-
маъмурий сектор ташкил этилган
2018 йилдан буён ҳарбий қисм ва
муассасаларнинг моддий-техник
базасини мустаҳкамлаш ҳамда
бундай объектларда кенг кўламли
қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб
борилди. Навоий вилоятининг ту-
ман ва шаҳарлари муҳофаа ишла-
ри бўлимларида қатор капитал таъ-
мирлаш ишлари олиб борилди.

2

Sarhisob

ВИЛОЯТДА 2024 ЙИЛДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ЭНГ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР

Навоий вилояти – республикамызда етакчи
саноат марказларидан бири саналади. Ўтмиши
асрларга туташ, истиқбол манзили ёруғ ҳудуд сўн-
ги йилларда буткул ўзгарди, янгича тароват касб
этиб, чирой очмоқда.

Бугун вилоятда миллий ва замонавий шаҳар-
созлик анъаналари муваффақиятли уйғунлашаёт-
гани, барпо этилаётган янги манзиллар аҳоли тур-
муш тарзига, эртанги кун билан боғлиқ орзуларига
янгича мазмун улашаётгани рост. Вилоят тарки-
бида 7 та шаҳар, 45 та шаҳарча, 330 та маҳалла
фуқаролар йиғини мавжуд.

Вилоятда шаҳарсозлик қиёфасини яхшилаш
мақсадида 2017-2024 йиллар давомида жами
73 та аҳоли пункти, шу жумладан 2 та шаҳар, 19
та шаҳарча, 52 та маҳалланинг бош режалари
ишлаб чиқилган. Аҳамиятли томони, бугунги кунга
келиб вилоятда аҳоли яшаш пунктларининг ортиб
бораётгани, янги массивлар қурилаётгани халқи-
мизни уй-жой билан таъминлашда муҳим омил
бўлмоқда. Аҳолини уй-жой билан таъминлашда

2

Jarayon

КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚўЛАБ-қУВВАТЛАШ
тадбиркор фаолиятини юксалтирмоқда
ва фуқаролар бандлиги таъминламоқда

Маълумки, “Бизнесни ри-
вожлантириш банки” АТБ
ташкил этилганидан бош-
лаб унинг ҳузурида Кичик
бизнесни ривож-лантириш
жамғармаси ҳамда 14 та
ҳудуд каби вилоятимизда
ҳам “Кичик бизнесга қў-
маклашиш маркази” МЧЖ
фаолият юритиб келмоқда.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комп-
лекс дастурини амалга ошириш мақсадида ишлаб
чиқилган, 7 та вазирлик ва идоралар ҳамда Дастурда
иштирок этаётган 8 та тижорат банкларининг ахборот
тизимлари билан интеграция қилинган “Biznes-portal.
uz” платформаси эса, лойиҳа ташаббускорларини тан-
лаш, скорингдан ўтказиш, баҳолаш, ўқитиш, бизнес
режа шакллантириш, молиявий-консультатив қўллаб-
қувватлаш ва лойиҳа мониторингини юритиш имкони-
ятларини яратди.

2

Dolzarb

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ:
МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос. Турли вилоятлар ичидаги туманларнинг
имкониятлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу боис ҳудудлар иқтисодиётини ривожлан-
тириш масалалари алоҳида, манзилли тарзда муҳокама қилиб борилмоқда. Давлатимиз
раҳбари жойларга чиқиб, аҳоли билан гаплашиб, белгиланаётган чора-тадбирларнинг
долзарб ва амалий бўлишига катта эътибор қаратмоқда. Дастурлар ишлаб чиқишни ҳар
бир қишлоқдан бошлаш, қайси қишлоқда қандай йўналишни ривожлантириш, бунга қанча
маблағ ажратиш кераклигини аниқ кўрсатиш талаб этилади. Аҳоли фаровонлигини оши-
ришга қаратилган ушбу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли даражадаги қисқа
ва узоқ муддатли манзилли дастурларини ишлаб чиқиш учун зарур бўладиган ишончли
ахборот билан таъминлашда аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг аҳамияти жуда катта.

Мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири сўнги бор 1989 йилда ўтказилган бўлиб, ўша пайтда республи-
камиз аҳолиси 19,7 миллион кишини ташкил этган эди.

БМТ 2015 йилнинг 10 июнида “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принциплар
ва тавсиялар” резолюциясини қабул қилди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой
фондини рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилди. Бугунги кунга келиб, МДҲ давлатларида, шунингдек Ўз-
бекистонда ҳам бу жараёнга тайёргарлик ишлари бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни мазкур йўналишдаги муносабат-
ларни тартибга солишдан иборат бўлиб, аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсади, асосий принциплари,
тартиби, даври ва муддатларини белгилаб берган. Аҳолини рўйхатга олиш шахсга доир маълумотларни йиғиш
амалга ошириладиган саволлар рўйхати белгиланган дастур бўйича ўтказилади,

3

Faxr

ДУНЁ КўРГАН
ЙИГИТ ОРЗУСИ

Бугун келажагимиз ворислари бўлган ёшларнинг
замонавий билимлар олиши ва ўзлари севган касб-ху-
нарни эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё.
Қувонарлиси, берилган ушбу имкониятлардан унумли
фойдаланаётган ёшлар сони кундан-кунга ортиб бор-
моқда. Улар нафақат республикамыз балки, дунёнинг
турли нуқталарида фаолият юритиб, она Ватанимиз но-
мининг жаҳонга танилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.
Ҳа, Ўзбекистон ёшлари дунёнинг бошқа давлатларида-
ги тенгдошларидан ҳар соҳада илғор эканини ўзлари-
нинг билими ва ғайрат-шижоати билан исботлаб кел-
моқда.

Жонажон ва гўзал Ўзбекистонимиз бўйлаб саёҳат
қилсангиз, нафақат азим шаҳарлар, балки вилоятлар-
нинг чекка ҳудудларида ҳам бундай иқтидор эгалари
истаганча топилишига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

4

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Сиз тасодифан фавқулудда қизиқ ҳолатга, кам учрайдиган ғайритабиий ҳодисага,
табиатга ноодилона муносабатга, атрофингизда умуминсоний меъёрларга зид, ки-
шиларнинг лоқайд муносабати билан боғлиқ жараёнга гувоҳ бўлдингизми?
Буларнинг барчасини қўл телефонингизга муҳрланг ва @bosh_muharrir теле-
грам манзилига юборинг.

Танлаб олинган фотофакт ва видеолавҳалар t.me/navqiron_news телеграм ка-
налида, www.navqironnews.uz веб-сайтида эълон қилинади, энг яхши, мулоҳазали
хабарлар сурати билан “Навқирон Навоий” газетаси саҳифасида “Mobil muxbir”
рукни остида чоп этилиб борилади.

Асосий шартлар – тезкорлик, аниқлик ва ҳолислик!

Суратлар, видеолавҳалар ва шарҳларни юбораётганда, албатта, исм-фамилиянгиз, телефон рақа-
мингиз ва шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат нусхасини ҳам тақдим этишни унутманг!
Энг яхши хабар муаллифлари ҳар ой якунига кўра рағбатлатирилиб ва эълон қилиниб борилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: +998919888012

Moziy va bugun

ҚИЗИЛҚУМНИНГ АВЛИЁ ОТАСИ
ёхуд Қанорбой ота зиёратгоҳи ҳақида биласизми?

Қизилқум саҳросининг марказида жойлашган Учқудуқ тумани ўз қадим
тарихига эга. Саҳрода истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли томонидан
“ота” сўзи қўшиб айтиладиган бир қанча зиёратгоҳлар бор. Хусусан, Қан-
орбой ота, Қилич ота, Ерлар ота, Михота, Қароқота, Бедерота, Қалқо-
нота, Мўминота, Қўчқор ота каби ўз замонасининг илмли, маърифатли
пиру-комиллари жамиятнинг юксалиши учун хизмати синган, катта эҳти-
ромга эга бўлган ва халқни эргаштирган ҳолда ижтимоий-маънавий муҳит
яратиб, инсонларни саховатли, адолатли бўлишга, кишиларни онгу шуу-
рига кўтаринкилик бағишлаб, яхшилик, саҳийлик ва маърифат орқали олға интилишига даъват этиб келган.
Бугунги кунда Учқудуқ бағридаги кўркам ва файзли қадамжоларнинг бири сифатида инсонлар қалбини ну-
рафшон этиб келаётган Қанорбой ота зиёратгоҳи нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни давлатлар фуқа-
ролари учун ҳам муқаддас даргоҳ саналади. Қанорбой ота ким ва унинг қадамжоси нега зиёрат қилинади?
Айбас ўғли Қанорбой тарихий шахс бўлиб, 1836 йилда Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидаги “Аю-те-
рен” овулида таваллуд топган.

4

Навоий вилояти ҳоқими, сенатор Нормат Турсуновнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан БАЙРАМ ТАБРИГИ

❶

Хусусан, Кармана тумани мудофаа ишлари бўлими тўлиқ таъмирланди. Ҳозирги кунда Хатирчи ва Қизилтепа туманлари мудофаа ишлари бўлимларининг биноларини мукаммал таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Яна бир жиҳат эътиборлики, вилоятимиздаги барча ҳарбий қисмларда Амир Темуру ва Жалолиддин Мангуберди тематик синфлари барпо этилиб, ёшларга буюк сиймоларимизнинг жасорати ва қаҳрамонлигини ўргатишга бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

2024 йилда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, онгу тафаккурига Ватан ҳимоя-

хизматчиси кичик сержант Эркинова Шохсанам Алишер қизи спортнинг кикбоксинг тури бўйича Республика турнирида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Тошкентда ўтказилган жаҳон кубогига эса фахрли 2-ўринни эгаллади. Эътиборлиси, Шохсанам 2024 йил кикбоксинг спорт йўналиши бўйича “Ўзбекистон спорт устаси” унвонини ҳам қўлга киритди.

Буюк орзулар буюк интилиш ва ҳаракат, катта куч-қувватни, ирода, сабру матонат ва шижоатни талаб этади. Ана шу ғоят оғир ва мураккаб йўлда Ватанга муҳаббат ҳисси инсонга бекиёс қувват бахш этади. Ватанга муҳаббат энг муқаддас туйғу ҳисобланади. Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғуруру, Ватан ишқи жўш урган одамгига буюк ишларга қодир бўлади.



си шарафли ва муқаддас бурч эканлигини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун маъсулият туйғусини чуқур синдириш бўйича қатор тадбирлар ўтказилди.

Умумтаълим мактаблари, техникум ва олийгоҳларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида 620 га яқин маданий-маърифий тадбирлар, мавзули кечалар ва қўшиқ танловлари ташкил этилди, “Ватанимни кўз қорачигидек асрайман”, “Юрт тақдири – менинг тақдири” мавзуларидаги танловлар шулар жумласидандир.

Таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари учун ҳарбий қисм ва полигонларга экскурсиялар ҳамда “Очиқ эшиклар кунин”, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида “Ватан тинчлигига барчамиз масъулмиз”, “Ватан озодлиги бахт гарови”, “Ватанга хизмат – олий фазилат” каби мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда авлодлар учрашувлари бўлиб ўтди.

Айниқса, ҳарбий қисмлар ҳузурида амалга оширилиб келаётган уюшмаган ёшларни ўн кунлик “Жасорат мактаби” йиғинига жалб қилиш ишлари натижаси жуда самарали бўлмоқда.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, 2024 йилда вилоятнинг маҳаллий бюджетли маблагларидан 72 та мактабда “Ҳарбий ватанпарварлик” синфларида жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва яратиб бераётган шароитлари натижасида ҳарбийларимиз ўзининг иқтидори ва салоҳиятларини намоян этиб келмоқда.

Жумладан, 2024 йилда Мудофаа вазирлиги томонидан “Мен – ғолиб” шиори остида ўтказилган кўрик-танловда навоийлик ҳарбий хизматчилар 25 та мутахассислик бўйича иштирок этиб, 9 та биринчи, 6 та иккинчи ва 5 та учинчи ўринларни эгаллашди ҳамда умумжамоа ҳисобида мутлоқ ғолиб деб топилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари ўртасида ҳам Навоий вилоятида жойлашган 7532-сонли ҳарбий қисм “Энг илгор ҳарбий қисм” деб баҳоланди.

Мудофаа вазирлигига қарашли тоифаланган объектларни кўриқлаш Қўшинлари Қўмондонлиги ҳарбий

Боболар айтганидек, “Ватан бир богдир, унинг гуллаб-яшнаши эса содиқ фарзандлар меҳру муҳаббатига боглиқ”.

Вилоятимизда “Ҳарбий фахрийлар” ва “Ветеран жангчи фахрийлар” жамоаси борки, уларнинг ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли бекиёсдир. Фахрийларимиз вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ёш авлодга ва ҳарбий хизматчиларга ўрнак бўлиб келмоқдалар.

Қадрли аскар ва сержантлар, офицерлар ва фахрийлар!

Тинчлик ҳукм сураётган Ватанимизда ўз хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган йигитларимизни ҳам эслаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Бу йигитларимиз марҳум сержант Қаҳҳоров Зокир Шокирович, марҳум сержант Идов Шерали Алиевич, марҳум сержант Суёнов Ҳазрат Кароматовичлар ватан олдидаги шарафли бурчларини бажаришда ҳалок бўлишган.

Ватан учун жон фидо қилган йигитларимизнинг оилаларига доимо таъзимдамиз.

Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва довурак фарзандлари Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Қолаверса, бугунги байрам кунинда Ватан, халқ ва армия бир-бирига нақадар яқин ва муштарақ экани барчамизга ҳар қачонгидан ҳам тегар экан бўлмоқда.

“Инсон қадри учун” тамойили асосида барча соҳалар каби Қуролли Кучларимиз тизимида ҳам амалга оширилаётган туб ислохотлар жадал ривожланаётган Янги Ўзбекистоннинг тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Қадрли Ватан ҳимоячилари!

Яна бир бор Сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилганлигининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини байрами билан муборакбод этаман.

Жонажон юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлиқни асраш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги хайрли ва машаққатли ишларингизда омад ва зафарлар доимо ёр бўлсин.

Байрам муборак бўлсин азизлар!

ВИЛОЯТДА 2024 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЭНГ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР



❶

Биргина «Янги Ўзбекистон» массивларида 26 та 620 хонадонли уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Кармана тумани «Дўстлик» МФИдаги 18 та 420 хонадонли массивда эса яна қўшимча объектлар қурилиши аҳоли учун муносиб турмуш тарзини ярат-



моқда. Малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида янги 50 қатновли оилавий поликлиника, худуд ўқувчи ёшларининг сифатли таълим олишлари ва тарбияланишлари учун 32-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳамда қаршисида давлат мактабгача таълим таш-



килоти биноси жойлашуви замонавий массивларнинг ҳар тамонлама қулай структура асосида тикланаётганлигидан далолатдир.

Навоий вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати.

КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ: ҳам тадбиркор фаолиятини юксалмоқда, ҳам фуқаролар бандлиги таъминланмоқда

❶

Бугунги кунга қадар Навоий вилояти бўйича Бизнес платформага 9936 нафар тадбиркордан 13237 та онлайн ариза келиб тушган бўлса, Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳида бизнес режаларини ҳимоя қилиб, сертификат олган тадбиркорлар 3035 нафарни ташкил қилади. Берилган сертификатларнинг 685 таси ёш тадбиркорларга, 1125 таси аёл тадбиркорларга тақдим этилган.

Сертификат олган кичик бизнес субъектларининг 2570 нафарига тижорат банклари томонидан 301,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Шундан 1128 нафар тадбиркорга 144,3 миллиард сўм ишлаб чиқариш, 887 нафарига 93,1 миллиард сўм хизмат кўрсатиш, 555 нафарига 64 миллиард сўм қишлоқ хўжалик соҳасидаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш учун берилди.

Бундан ташқари, Марказнинг тўғридан-тўғри молиявий инструменти бўлган физсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан қарзга асосий восита олиб бериш молиявий инструменти бўйича ҳудудда фаолият олиб бораётган “Қобил строй” ва “Навоий камалак афсуни” масъулияти чекланган жамиятларининг ҳар бирига тегишли ҳажмдаги юк кўтариш автокранлари, манипулятор ҳамда қурилиш материаллари

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва технологиялари тўпламини харид қилиш учун 7 йил муддатга, 2 йил имтиёзли давр билан 1 миллиард 500 миллион сўм миқдоридagi қарз маблағлари ажратилди.

Эътиборли томони шундаки, юқоридagi молиявий инструментлар бўйича тадбиркорлар томонидан амалга оширилган лойиҳалари натижасида 8481 та янги иш ўринлари яратилди.

Марказнинг асосий вазифаларидан бири бўлган тадбиркорларнинг бизнес кўникмаларини ошириш мақсадида доимий ўқитиш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, Япония тажрибаси асосида тадбиркорларимизга замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун Ямагата университетининг U-HOPE ўқитиш дастури доирасида вилоятнинг шаҳар ва туман марказларида ҳамда маҳаллаларида марказ ходимлари томонидан 1331 нафар тадбиркор офлайн ва 547 нафари онлайн шаклда ўқитилди.

Офлайн ўқитилган 1331 нафар тадбиркорнинг 821 нафарига шаҳар ва туман марказларида, 510 нафарига эса маҳаллаларда жойига чиққан ҳолда дастур доирасида таҳсил берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил

7 сентябрда қабул қилинган “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 9-бандида кичик бизнесни ривожлантириш, менторлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга бўлган тадбиркорлар фаолиятига кўмак бериш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш, бунда йил якунига қадар 24 та менторнинг фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган. Шунга асосан, вилоятимиздан Илҳом Ҳамроев 2024 йил 19-28-октябрь кунлари Япониянинг Ямагата университетиди U-HOPE ўқув дастури доираси ўқув курсларини муваффақиятли якунлаб, менторлик ҳуқуқини берувчи олтин сертификатни қўлга киритди.

Келгусида вилоятнинг 11 та туман ва шаҳарларида 1 нафардан менторларни ўқитувчи салоҳиятли тренерларни тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, уларга аввал ҳудудий Марказ ходимларини, сўнгра ҳудудлардаги тадбиркорларни доимий равишда ўқитиш вазифаси юклатилди.

Марказ томонидан тадбиркорларга бизнес режа, молиявий ҳисоботлар, экспорт-импорт амалиётлари, мулкларни баҳолаш, суғурталаш ва нотариал хизматлардан фойдаланиш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, жорий йил давомида бизнес режа тайёрлаш бўйича 925 нафар, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича 365 нафар ва экспорт-импорт амалиётлари бўйича 2 нафар тадбиркорга бепул юридик хизматлар ва комплекс консултация хизматлари кўрсатилди.

Баҳолаш, суғурталаш ва нотариал хизматлардан фойдаланиш бўйича 19 нафар тадбиркорнинг муаммолари марказ томонидан кўмак кўрсатилиши натижасида ижобий ҳал этилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг бундай пухта ва амалдор усули тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчисига айланибгина қолмай, янги иш ўринлари яратишнинг ҳам муҳим омили бўлмоқда.

Улуғбек РАЗЗОҚОВ,
Навоий вилояти Кичик
бизнесга кўмаклашиш маркази
директори.

Ehtiro

НАВОЙНИ ИЎРГАНИШ БАХТДИР



Тарихда шундай улуг ва доно инсонлар ўтганки, уларнинг асарлари ҳозирги ёш авлод ҳаёт йўлларини ёритмоқда, уларга тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай инсонлардан бири Ҳазрат Алишер Навоийнинг башарият олдида қилган ишлари бекиёс. Мана, неча асрлар ўтибдики, сўз зарғари саналиш улуг бобокалонимизга бўлган эътибор кучаймоқда, у кишининг асарлари тадқиқ қилинмоқда ва ўрганилмоқда.

Улуғ ижодкорнинг асарларини англаш чинакам бахтдир ва бу бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Буюк шоир ҳаётини умри давомида ўрганган ва бу бахтга эришган инсонлардан бири Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек саналади. Ижодкор Навоий ҳаётини тадқиқ этишни жуда ёшлик даврлари – талабалик йилларидан бошлаган. Ҳазратга бўлган муҳаббатини дастлаб шеърларида ифода этиб келган Ойбек кейинчалик бир неча дostonлар яратади.

Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида бир дўкон олдида инсонлар узундан узоқ навбатга туришгани ҳақида эслайди Саид Аҳмад ўзининг “Йўқотганларим ва топганларим” хотиралар китобининг “Шуъла” деб номланган қисмида. Очарчилик авж олган, турмуш шароити оғирлашган, уруш қайнаган бир даврда инсонлар фақатгина нон ёки кerosин олиш учун шундай

турнақатор навбатга туришарди. Аммо бу сарфар улар китоб дўкони ёнида эди. Шундай мураккаб вазиятда Ойбек ўзининг тарихий-биографик романи “Навоий”ни эълон қилганди. Оломон улуг даҳонинг ҳаёти ҳақида яқиндан танишишга мушток эди, зеро, Ойбек бу асарни ёзиш учун йлгирма йилга яқин умрини Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлларини ўрганишга бағишлаганди. Ушбу асар ўзбек адабиётида шоир шахсиятига мурожаат қилинган илк йирик асардир. Умрининг сўнгги йилларида оғир хасталиқдан азият чекаётган адиб “Бола Алишер” қиссасини яратди.

Ойбекдан ташқари бошқа ижодкорлар ҳам шоир шахсиятига мурожаат қилдилар. Ўзининг бир неча асарларини Навоийга бағишлаган Миркарим Осим ҳазратнинг ҳаёт йўлини нурга қиёслаб, шоирнинг болалик йилларидан то умрининг охиригача бўлган даврини акс эттирган “Зулмат ичра нур” қиссасини яратди. Зотан, шоир шахсиятини, унинг инсонийлик фазилатларини, қилган улуг ишларини, яратган бекиёс асарларини қанча ўргансак, таҳлил қилсак, ўқисак кам. Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” қиссаси китобхонларнинг шу талабларига тўлалигича жавоб беради. Яқин йилларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон томонидан яратилган “Алишер Навоий” романи ҳам шулар жумласидан ҳисобланиб, шоир ҳаётини бутунлай қамраб олади.

Болалик йилларимда учналик адабиётга ошно инсон эмасдим. Ўқиган китобларим сони ҳам бармоқ билан санарли эди. Аммо бир кунни нима бўлди-ю, қўлимга Ойбекнинг “Навоий” романи тушиб қолди. Ушбу мухташам китобни қўлимга олганимда, дастлаб жуда секин

мUTOлаа қилдим. Кунлик ўқиганларим ўн варақдан ошмасди. Лекин шоирни инсон сифатида янғидан кашф қила бошлаганим сари Навоийнинг адабиёт китобларимда номи эътироф этилган, Мақсуд Шайхзода таърифлаганидек, “сўз мулкининг султони” сифатида эмас, буюк бунёдкор шахс, ўз халқи учун жонқуяр фарзанд эканлигини чуқур англадим. Ҳазратга “комил инсон”, дея таъриф бергим келди. Айнан Навоий шахсияти ва унинг асарлари мени адабиёт сари етаклади. Кейинчалик эса, ҳазратнинг девонларини, юқорида номи келтирилган адиблар асарларини мUTOлаа қилдим.

Навоийнинг ижодий меросини ўрганиш ҳар бир ўзбек фарзандининг бурчидир. Чунки айнан Низомиддан Алишер Навоийнинг асарлари ўзбек адабий тили учун асос бўлиб хизмат қилди. Шундай экан, буюк ижодкор олдида узилмас қарзларимиз бисёр. Ҳозирги глобаллашув жараёнида ўз маданиятимиз, тилимиз, урф-одатларимизни асраб қолиш Алишер Навоий каби буюк боболаримиз асарларини ўрганиш жуда муҳимдир. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Энг қувонарлиси шундаки, Президентимизнинг вилоятимизга амалий ташрифи доирасида 2025 йил Навоий вилоятида “Алишер Навоий” йили деб эълон қилинди. Эндilikда вилоятимизда йил давомида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиёти бўйича турли тадбирлар ва танловлар ўтказилиб, бобомизга атаб янги боғлар, сўлим хиёбонлар, яшил ҳудудлар барпо этилади.

Баҳора АВАЗБЕРДИЕВА,
НавДУ Ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР



Унда ФИО, туғилган санаси ва жойи, ёши, жинси, миллати, фуқаролиги, яшаш жойи (турган жойи), тилларни билиши, маълумоти, никоҳ ҳолати, болаларининг сони, уй ҳужалиги таркиби, уй-жой шароитлари, бандлиги, яшаш учун маблағлар манбалари, миграция (ички ва ташқи) каби саволлар бўлиши шарт. Ҳукумат томонидан дастурга қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин, бироқ унга киритилганмаган саволларни бериш тақиқланади. Йиғилган барча шахсий маълумотлар махфий ҳисобланади ҳамда респондентнинг розилигисиз уларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йилнинг йилнинг 4 март куни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси»га мувофиқ, республикаимизда 2025-2026 йилларда аҳолини рўйхатга олиш тadbирини ўтказиш белгиланди.

Бугунги кунда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пойтахтлари муҳокамаи порталида «2026 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси ҳамда ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, натижаларини таҳлил қилиш ва эълон қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси белгиланган тартибда тегишли идоралар билан келишиш учун эълон қилинган.

Лойиҳаларга кўра, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 2026 йилнинг июль-август ойларида ўтказилиши режалаштирилган. Аҳолини рўйхатга олиш 2 хил усулда, яъни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳамда рўйхатга олувчи ходимлар томонидан уйма-уй юрган ҳолда планшет қурилмалари ёрдамида рўйхатга олиш арағи шакллари электрон тўлдириш орқали амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Аҳолини рўйхатга олишга қўмаклашиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-

лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Республика комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар ташкил этилади.

2024-2026 йилларда Жаҳон банкининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан аҳолини рўйхатга олиш учун зарур техник ва дастурий воситалар харид қилинади.

Шунингдек, 2025 йил 1 июлига қадар масъул идораларга аҳоли пунктлари ва кўчалар номлари, уйлар ва ҳовлиларнинг тўлиқ рақамланганлик кўрсаткичларини ўрнатишни яқунлаш топшириқлари кўрсатиб ўтилган.

Республика миқёсида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг ходимлари иштирок этади, ҳудудларда ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, материалларни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш, дастлабки яқунларни сарҳисоб қилиш ва натижаларни эълон қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари ходимлари жалб этилади.

Шунингдек, аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарлик кўриш ёки бунда иштирок этишга рози бўлган тақдирда, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида, олий ва ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари ва юқори курс талабалари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳам ушбу жараёнда иштирок этиши мумкин. Улар орасидан рўйхатга олиш участкалари ходимлари, инструкторлар ва рўйхатга олувчиларни танлаб олиш туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан Статистика агентлигининг ҳудудий органлари билан биргаликда шартнома асосида ташкил этилади. Вақтинчалик жалб этиладиган ходимларга исмлари ёзилган нишонлар (гувоҳномалар) берилади. Бунда ходимнинг яшаш жойи текширилаётган аҳоли пунктига қатнаш учун қўлай бўлиши керак. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олувчилар учун услубий қўлланмалар ва видео дарсликлар ишлаб чиқилади ҳамда қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Аҳолини рўйхатга олиш яна бир жиҳати билан муҳимки, ушбу тadbирнинг якунига етказилиши ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйлар рўйхатини тузиш имконини беради. Яна ҳам аниқроқ айтганда, турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмаётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади, яъни республиканинг янги мукаммал кадастр харитаси яратилади. Шу тарзда вужудга келган ягона маълумотлар базаси мамлакатимиз келажаги, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун қабул қилинадиган ҳужжатларда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мадина ЮЛДАШЕВА,
вилоят Статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.

СТУДЕНТКА ИЗ НАВАИ СТАЛА ПОБЕДИТЕЛЬНИЦЕЙ КОНКУРСА «НАФОСАТ-2024»



Студентка 3 курса отделения «Дизайн» факультета искусствоведения Навоийского государственного университета Турсунтош Нейматова стала победительницей республиканского этапа конкурса «Нафосат-2024» Для обеспечения реализации задач, определенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан "О дополнительных мерах по укреплению семьи и повышению активности женщин" от 21 декабря 2023 года в три этапа проводится ежегодный конкурс «Нафосат».

Целью конкурса является дальнейшее развитие женского стиля одежды, сочетающего национальные и современные элементы, соответствующего нашей культуре и менталитету. Работы, представленные на конкурс, рассматриваются в соответствии с условиями номинаций "Бизнес и женщина-лидер", "Девушка-студентка", "Творческая женщина" и "Узбекская женщина - искусство повязывания платков".

В декабре 2024 года в Национальном институте художеств и дизайна имени Камолитдина Бехзода, в рамках конференции «Современный образ узбекской женщины в обществе», были объявлены победители и призёры «Нафосат-2024», которые были награждены ценными призами и почётными грамотами.

По итогам работы комиссии студентка 3 курса НавГУ Турсунтош Нейматова стала победительницей республиканского этапа конкурса «Нафосат-2024».

Пресс-служба НавГУ

Қарттарды қадірлеу – парыз



Халқымыз қартын қазынаға бағалаған. Көпті көрген, көңілі дария сол қарияларымыз қын сәттерде ақыл-кеңесін беріп, жүрежарды ақ батасымен елді ұйытып, ауызбіршілігін бекемдеп отырған. Осындай қазыналы қарттардың қатарында «Алтынтау» ауылдық азаматтар жиыны Құлқұдық елді мекенінде 1948 жылы дүниеге келген, бітім-болмысымен, өзіндік іс-әрекеттерімен көпке үлгі болып, ақыл-есіетін айтып жүрген ауыл қариясы, мешіт имамы – Қожабек Бердіқабылұлы.

Бұл кісіні ауылда, қала берді ауданда еңбектеген баладан, еңкейген көрісіне дейін біледі. Қожабек ата Сейітназаров туралы әңгімелер, оның үлгі еңегісі ел ішінде көптеп айтылып, оның ауыл тұрмысын жақсартып, дамытудағы ерен еңбегі ауылдың үлкен-кішісіне үлгі. Жастайынан еңбекке жаны құмар Қожабек Бердіқабылұлы 1966 жылы орта мектепті бітірген соң, 1967 жылы Үшқұдық қаласында жүргізушіліктің 4 айлық курсынан қорғаныс бөлімінде бітірген.

1970 жылы елге оралған соң сол кездегі ауылдық жиында көлік жүргізуші болып еңбек жолын бастайды. Бұхара кооперативті техникумында есепшілік мамандығын оқып, Үшқұдық қаласындағы электрмен жабдықтау кәсіпорнында

Davr bilan hamnafas

ZAMONAVIY AXBOROT KUTUBXONA FAOLIYATI kitobxonlikni rivojlantirishga xizmat qiladi



Bugungi kunda axborot texnologiyalari kutubxona tizimiga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda. Axborot kutubxonalari faqat kitob saqlash markazi sifatida emas, balki bilim resurslari va axborot almashinuvining muhim qismi sifatida jamiyat hayotiga kirib kelmoqda. Raqamli axborot manbalarining ko'payishi, foydalanuvchilarning, talabalarining o'zgarishi va ma'lumotga bo'lgan ehtiyojning ortishi kutubxonalarga o'z faoliyatini zamonaviy texnologiyalarga moslashtirish zaruratini keltirib chiqardi.

Axborot kutubxona faoliyati ilmiy va ta'lim sohalarida muhim rol o'ynaydi, shuningdek, aholi uchun ta'lim va ma'rifatning kengayishiga xizmat qiladi. Bu jarayonda raqamli axborot texnologiyalarining joriy etilishi nafaqat kutubxonalar faoliyatini takomillashtirishga, balki ularga yangi imkoniyatlar va vazifalar yuklashga yordam beradi. Shu munosabat bilan ushbu maqolamda axborot kutubxonalari faoliyatidagi zamonaviy yo'nalishlar, xizmatlar va resurslarni foydalanuvchilarga yetkazishning yangi usullari tahlil qilinadi.

Elektron kutubxonalar axborotni raqamli shaklda saqlash va yetkazish imkonini berib, kutubxona fondlariga keng jamoatchilikning kirish imkoniyatini oshiradi. Elektron resurslar soni ortishi bilan kitobxonlar o'z uylaridan turib ham kerakli ma'lumotlarni olish imkoniyatiga ega bo'lishmoqda. Bunday kutubxonalar kitoblarni raqamlashtirish va kataloglashtirish orqali bilim resurslaridan foydalanishni kengaytiradi.

Kutubxonalarda zamonaviy texnologiyalarni qo'llash orqali tezkor axborot xizmatlarini yo'lga qo'yish, foydalanuvchilarga qulay elektron ma'lumot bazalaridan foydalanish imkonini yaratadi. Elektron kataloglar, raqamli kutubxona tizimlari, qidiruv va ma'lumot olish xizmatlari foydalanuvchilarning tezkor axborot olish ehtiyojini qondiradi.

Zamonaviy kutubxonalarda foydalanuvchilarga xizmat ko'rsatish sifatini oshirish uchun masofaviy xizmat ko'rsatish, onlayn konsultatsiya va interaktiv

platformalarni joriy qilish muhimdir. Bular kitobxonlarning vaqtini tejaydi va xizmatlarning sifatini oshiradi.

Axborot kutubxonalari o'quv va ilmiy loyihalar uchun keng bilim resurslarini taqdim etish orqali ilmiy-tadqiqot faoliyatiga xizmat qiladi. Elektron va raqamli resurslarning boyligi ta'lim va ilm-fanga katta hissa qo'shadi.

Kutubxonalar innovatsion texnologiyalar orqali xizmatlarini kengaytirishi, raqamli kitob o'qish, audio va video ma'lumotlar arxivini tashkil qilish orqali foydalanuvchi tajribasini yaxshilashga yo'naltirilgan. Bu nafaqat kutubxona xizmatlarini samarali boshqarishni ta'minlaydi, balki kitobxonlar sonini ko'paytirishga ham xizmat qiladi.

Kutubxona faoliyati axborot xizmatining (masalan, bibliografik, hujjat bilan ishlash, faktografik va boshqalar) barcha turlarini qamrab oladi. Shu nuqtai nazardan kutubxona axborot xizmati, ijtimoiy institut sifatida kutubxonaning tarkibiy qismidir va ijtimoiy subyektlarning



ehtiyojlarini qondirish va rivojlantirish maqsadida jahon axborot resurslari asosida amalga oshiriladi. Bu jarayonda kutubxona, bibliografik va axborot faoliyatining vositalari yordamida turli xil usul va shakllarda kutubxona-bibliografik va axborot mahsulotlari hamda xizmatlari taqdim etiladi. Zamonaviy kutubxonalarda xizmat ko'rsatish faoliyatining yetakchi yo'nalishlaridan biri hisoblanadi va tizim tarkibiga kiruvchi barcha bo'limlarning ishlash jarayonlarini muvofiqlashtirish va maqsadga

yo'naltirishni talab qiladi.

Axborot-kutubxona sohasini rivojlantirish va xalqimizning ma'naviy yuksalishiga hissa qo'shish uchun zamonaviy infratuzilmani yaratish, davlat dasturlarini amalga oshirish zarur bo'lib, davlat tomonidan sohada keng miqyosli ishlar olib borilmoqda. Ma'naviy qo'llab-quvvatlash bilan bir qatorda, axborot-kutubxona faoliyatiga innovatsion usullar va g'oyalarni joriy qilish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Innovatsion ishlanmalarni amalga oshirishda esa, axborot-kutubxona faoliyatini moliyaviy jihatdan qo'llab-quvvatlash zarur. Mamlakatimiz innovatsion rivojlanish strategiyasini yuksaltirish uchun ilmiy va texnik salohiyatdan samarali foydalanish muhimdir.

Yangi O'zbekistonda axborot-kutubxona faoliyatida innovatsion g'oyalar tadbir qilinmoqda va yaxshi natijalar berayotgani kuzatilmoqda. Ammo texnologiyaning tez rivojlanishi tufayli innovatsiyalar tezda eskirmoqda, bu esa kitoblarni yangi texnologik usullar bilan qayta ishlash va saqlashni talab etadi. Kitoblarni tarixiy ma'lumotlarni avloddan-avlodga yetkazuvchi, ilm-fandagi kashfiyotlarni jamiyatga yorituvchi muhim omillardir. Yurtimizda kitobga bo'lgan qadriyatlar bugungi kunda ham o'z o'rnini yo'qotmagan.

Mustaqillik yillarida qadriyatlarini tiklash, milliy g'ururni oshirish, adabiyot va san'at sohalarini rivojlantirish davlatimizning ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib qolmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev milliy adabiyotimizning kelajagi va unga mas'uliyatli yondashishning

dolzarbligini ta'kidlab kelmoqdalar. Shu bois, axborot-kutubxona faoliyatiga innovatsion yondashuvlarni tatbiq etish soha xodimlarining asosiy vazifasi hisoblanadi va xorijiy tajribani o'rganish bu yo'lda muhim ahamiyatga ega.

Lobar MANSUROVA,
NavDU Axborot-resurs markazi direktori o'rinbosari,
Sabotx JURAYEVA,
Axborot-resurs markazi xodimi.

АҚСАҚАЛЫ БАР ЕЛ АЗБАЙДЫ

монтер әрі көлік жүргізуші болып жұмысқа орналасады.

1978-1983 жылдары Тамды ауданындағы (бұрынғы Уәселхоттехника) сауда орталығында экспедитор, көлік жүргізуші болып жұмыс жүргізеді. Кейіннен «Құлқұдық» шаруашылығында ұзақ жылдар еңбек етіп, ауыл ақсақалы Сүлеймен Ахметовтен, Ләтіпқожа Миращи-мовтан, Досет Ырғашевтан, Бұхара мен Ғыждуан қалаларындағы медреселерден діни сауат ашады. 1991 жылы алғашқылардан болып, аудандағы алғашқы мешітті Құлқұдық ауылында тұрғызуға атсалысып, Хорезмнен ұста мен мешін құрылысына қажетті құрылыс материалдарын алдырып, халықпен етене араласады. 1995 жылға дейін мешіт жұмысын жандандырып, ұрпақты ізгілікке баулды. Зейнетке шыққан соң ауыл мешітінде имамдық қызмет атқарады. Бүгінде осы ауыл мешіті халықтың құлшылық ордасының жай-күйін бақылап, оны күту жұмыстарына жауапкершілікпен қарайды. Аталған орынның мемлекет тіркеуінен өтіп, барша жұртшылық пен азаматтардың киелі мекеніне айналуына тілектес.

Ел үшін аябай еңбек еткенде ғана ел алғысын алатынын үнемі айтатын кейіпкеріміз Қожабек ақсақал өз балаларын ғана емес, бауырларын да, ауыл адамдарын да

еңбек сүйгіштікке, имандылық пен адамилыққа баули түсуде. Өз қызметінде бірге істеген ұжымдастар арасында талай жас мамандардың қанатын қатайтып, шеберлігін шыңдады, елдің болашағы - баланы тәрбиелеудегі өмірлік тәжірибесін аянбады.

Еңбегі ескеріліп, аудан басшыларының назарына түсіп, 1998 жылы сәуір айында қажылыққа барып, бес парызының бірін атқарады.

Отбасының ұйытқысы, марқұм Раманқұлқызы Мыңғой апамен шаңырақ көтеріп, 4 ұл мен бір қыз тәрбиелеген ауыл ақсақалы Қожабек ата Сейітназаров былай дейді:

- Апаң екеуіміз 1970 жылы шаңырақ көтердік. Құдайға шүкір, бес перзент сүйдік. Алайда апаң 2009 жылы дүние салды. Балаларымыз азамат болып, немере-шөбере-леріміздің қызығын көрдік. Бүгінгі ұрпақтың бақытты өмір кешіп отырғанына ризамын. Исламбек ұлымның баласы Парасатбектен 2 шөбере сүйіп отқан жайым бар. Перзеттеріме бақытқа еңбек арқылы ғана қол жеткізе алатынын үнемі ескертіп отырамын.

Өлшеусіз еңбегінің, адалдығының қайтарымы шығар, бүгінде қолындағы баласы Ырысбек пен келіні Нұрзияның тұңғыш қызы Ырзагүл Науаи мемлекеттік педагогика институтының тарих факуль-

тетін үздік бағамен аяқтап, құтты жеріне қонып, үлкен шаңырақтың келіні атанған. Ал ортаншы немересі Салауат Астана қаласындағы техникалық жоғарғы оқу орнының студенті. Кіші немересі Нұрбек 9 сынып оқушысы.

Көнекөз қариялардың ортамызды толтырып жүргеніне не жетсін, шіркін. Құлқұдық ауылында жасайтын еңбек пен ауыл ардагері Қожабек Бердіқабылұлы бүгінде өлеңіп, ел алдында биік бедел мен асқақ абыройға бөленген, өмірдің бақытын еңбек жолынан, зейнетке шыққан соң құлшылықтан тапқан пейілі кең жайсаң жан. Немерелері атасына ұқсағысы келеді.

Иә, жалқының емес, жалпының қамын ойлап жүретін, мешіттің жанында құдық қазып, жеміс ағашын еккен, өскелең ұрпақты ізгілікке адамгершілікке тәрбиелеп жатқан шалғай, шекара аймақтағы осындай иманы мол қарияларымыз көп болса екен.

Қасиетті Қызылқұмның әрбір ауылында ақсақалдарымыздың терең тәлімі мен тектілік тәрбиесі ешқашан да үзілмесе екен дейміз.

Гүлдана ТӨРЕХАНҚЫЗЫ,
Үшқұдық ауданы «Алтынтау» ауылдық азаматтар жиыны Құлқұдық ауылы.

❏ ДУНЁ КЎРГАН ЙИГИТ ОРЗУСИ



Ана шундай юртдошларимиздан бири “Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси”нинг АҚШдаги координатори Давлатбек Асадовдир.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган Давлатбек болалигидан илм олишга интилди. Отаси Умиртош ака ва онаси Ҳанифа ая фарзандининг дарси, бўш вақтини қандай ўтказишдан ташқари, унинг кимлар билан дўстлашаётганига ҳам катта эътибор қаратди. Оиладаги муҳит, ота-онанинг панду насихатлари, меҳрибонлиги билан бирга, кези келганда қаттиққўллиги йиллар ўтиб ўз мевасини берди.

2015 йилда тумандаги 74-умумтаълим мактабини аъло баҳолар билан тугатган Давлатбек ҳудуддаги қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежини ҳам муваффақиятли тамомлади. Инсон улғайгани сари орзулари ҳам улканлашиб бораверади. Унга эришиш эса, сабр-матонат, кучли ирода, машаққатли меҳнатларда тобланган кишиларгагина насиб этади. Бунни яхши англаган Давлатбекнинг ота-онаси фарзандларининг келажақда мустақил қарорлар қабул қила оладиган инсонлар бўлиб камолга етишини орзу қиларди. Ота-онаси истагандек етук инсон бўлиш, қолаверса, ўз орзуларини амалга ошириш учун

аввало кучли билим соҳиби бўлиши кераклигини Давлатбек аллақачон англаб етганди. Кўпчилик болалигида тенгдошлари қатори кўча чангитиб, турли шўхликлар қилиб юришни ёшликнинг завқли онлари деб тушунади. Бошқа тенгдошларидан фарқли равишда Давлатбек китоба меҳр қўйди. Билим олиш, тил ўрганишдан ташқари, ўзбек ва жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари билан ҳам яқиндан танишди.

Орзу ва интилишлари уни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Халқаро ҳуқуқ факультети талабаси деган шарафли номга сазовор бўлишига замин ҳозирлади. Унда бошқа давлатлар тарихи, маданияти, қонунчилиги, миллий анъана ва қадриятлари, урф-одатлари, тили ва табиати ҳақида билимларини янада кенгайтиришга имкон яратилди.

- Бугун дунёда глобллашув жараёнида барча давлатлар сингари муҳожирлик тушунчаси АҚШ ва Ўзбекистон учун ҳам бегона эмас, - дейди Д. Асадов. - Мен эгаллаётган, тадқиқ этаётган соҳа айнан хорижда турли сабабларга кўра истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, имкониятларини ўрганиш, керак бўлса, уларга кўмак беришдан иборат. Мен АҚШда таҳсилим давомида соҳамиз келажаги борлигини ва қилишим мумкин бўлган ишлар кўплигини англадим. Чунки замон шиддат билан ривожланётган бугунги кунда биз ҳам ҳар қадамда ўсишимиз, ўз ўстимизда изланишимиз керак. Миграция кишидан ана шундай масъулият талаб қилади. Мен орзу қиламанки, ҳеч қачон муҳожирлар ҳуқуқи топталмасин, улар доим дунёнинг қайси бурчагида бўлса ҳам, ўзини ҳимоя қила олсин.

Она тилидан ташқари инглиз, рус ва турк тилларини пухта ўзлаштирган 24 ёшли Давлатбек ҳозирда немис тилини янада мукаммалроқ ўрганишга бел боғлаган.

Вақтни тўғри тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш муваффақиятлар гаровидир. Шу маънода, кўпчилик ёшлар ва ҳатто тенгдошлари Давлатбекка ҳавас қилса арзийди. “Ёшликда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабилдир”, деганларидек, илм-маърифат кишининг ҳаёт йўлларини нурафшон этиб боради. Бунни ўз вақтида тушунган, ҳис қилган ва энг муҳими бу ибратли нақлга амал қилган Давлатбек кам бўлмади. Эътиборли жиҳати, ҳозир ҳам изланиш ва интилишдан тўхтамайди. Бу унинг ҳавас қилса бўладиган яна бир жиҳатидир.

Дилобар МАМАТОВА, журналист.

G'aroyib olam

ДОИМИЙ МАГНИТ: магнитнинг кучи биз билган ва билмаган сирлари



Магнит тошлари қадим замонлардан бери инсонларни қизиқтириб келмоқда. Унинг бир-бирини тортиши ёки итариш кучи инсонлар учун ғаройиб туюлган. Ҳақиқатан, магнитнинг тортиш ва итариш ҳодисаси сабаблари ҳали ҳануз ўз ечимини тополганича йўқ.

Тўғри, бу ҳақда турли назариялар, фикрлар ва қарашлар мавжуд бўлса ҳам, уларнинг бирортаси бу ҳодисанинг нима сабабдан ва қандай рўй беришини тўла тушунтириб беролмайди. Бу мўъжизанинг сири сирлигича қолмоқда. Олимлар уни фақатгина “магнит майдони” дейишдан нарига ўтолмаяпти.

Аслида эса, электроника, технология тараққиётини магнитсиз тасаввур этиб бўлмайди. Деярли ҳар бир техник асбобда албатта магнит ҳодисаси қўлланилади. Бажарилиши қийин бўлган баъзи оғир меҳнатни магнитдан фойдаланиш ёрдамида енгиллатиш мумкин. Масалан, металлургия саноатида иссиқ металларни бир жойдан бошқа жойга ташишда ғалтакли магнит (ток ёрдамида магнит ҳосил қилиш)дан фойдаланилади. Бунда қурилмага электр кучланиши берилса, симли ғалтак магнитга айланади ва металлни ўзига тартади, уни маълум жойга олиб боргандан сўнг магнитга берилаётган кучланишни ўчиради ва магнитлик хусусияти йўқолгани учун металлни қўйиб юборади. Хуллас, магнитнинг хусусияти ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин, бироқ сизнинг эътиборингизни ажойиб тажрибага қаратмоқчимиз.

Қўлингизда магнит бўлаги ва ип бор дейлик. Шу икки нарса ёрдамида ерининг шимолий ва жанубий кутбларини аниқлаш мумкинми? Ал-

батта, мумкин. Хўш, қандай қилиб?

Маълумки, Ер шарининг ҳам магнит майдони бор, шунга кўра ердаги магнит майдоннинг ҳар қандай нарса учун таъсири мавжуд, аммо инсон буни сезмайди. Ернинг магнит майдонини магнит тошига қилаётган таъсирини сезиш қийин эмас. Бунинг учун магнит бўлагини илга боғлаб осиб қўясиз. Магнит бўлаги бироз айланиб ёки силкиниб бир томонини Ернинг шимолий кутбига, бошқа томони эса жанубий кутбига қаратади. Уни ҳар қанча ўзгартирсангиз ҳам барибир Ер шарининг магнит майдони таъсирида ўзининг ҳолатини сақлаб қолаверади. Бунда магнит бўлагининг шимол кутби Ернинг жануб кутбига йўналган бўлади, магнитнинг жанубий кутби эса шимолий кутбига йўналган бўлади.

Ҳар доимги фойдаланадиган ўзгарувчан электр токини ҳам магнитсиз ҳосил қилиб бўлмаслигини яхши билсангиз керак? Электростанцияларда дейсизми, бензин билан ишлайдиган генераторлар, ёки велосипеднинг ток ишлаб чиқарувчи қурилмасими, уларнинг барчаси айнан магнит ёрдамида ток ишлаб чиқаради.

Магнит ёрдамида ток олишни дастлаб Майкл Фарадей кашф қилган. У доимий магнитни симли ғалтак ичида ҳаракатлантириб ўзгарувчан индукцион токни ҳосил қилишга эришди.

Нилуфар ИСЛОМОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Навоий академик лицейи физика фани катта ўқитувчиси.

❏ ҚИЗИЛҚУМНИНГ АВЛИЁ ОТАСИ ёҳуд Қанорбой ота зиёратгоҳи ҳақида биласизми?



Билимга ташна Қанорбой ўттиз ёшида овулдан чиқиб, қарвонга қўшилиб Бухоро шахрига келади. Тахминан, 1866-1876 йилларда Бухородаги “Қўкалдош” мадрасасида таҳсил олади.

Ривоят қилишларича, Қанорбой таҳсил олаётган даврда, бир куни устози шоғирдларини мадрасага йиғиб, “Лабиховуз”дан ғалвирда сув келтиришларини буюради. Барча шоғирдлар устознинг буйруғини бажаришга шошилади, аммо бирортаси ҳам бу ишни эплай олмайди. Шунда, Қанорбой тегишли дуоларни адашмасдан ўқиб, ғалвирни сувга тўлдирган ҳолда устозига келтириб беради. Ана шу воқеадан кейин мадраса имомлари ва таълим олаётган шоғирдлар томонидан Қанорбой “авлиё” сифатида тан олинган экан.

Аммо чўл ҳудудлари маҳаллий аҳолиси “авлиё” деганда қабристонни тушунганлиги сабаб, Қанорбойни “ота” деб аташган. Бу бевосита яссавия тариқатига мансуб кишиларга нисбатан қўлланилгани ва уларнинг қўллаб муридлари бўлганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Қанорбой Айбас ўғли Бухорода илм-фан, маърифат энг ривожланган, алломаларнинг фаолияти гуркираган бир даврда яшаб, ўз даврининг бук шайхлари, олиму уламоларининг таълим-тарбиясидан, тасаввуф таълимоти ғояларидан баҳраманд бўлди. Қанорбойнинг қўллаб устозлари бўлиб, Бухородаги машҳур Қўкалдош мадрасасида устози ва пиру муришиди Фахриддин домладан таҳсил олди.

Ривоят қилишларича, Қанорбой ота мону давлатнинг, бойлиқнинг кети-

дан қувмаган киши бўлган ҳамда илм истовчи кишиларни, бева-бечоралар ва етим-есирларни доимо қўллаб-қувватлаб, ҳадялар инъом қилиб келган.

Қанорбой ота умр буйи махси, этик ва бош кийим текиб, эчки-қўйлар терисини ўзи ошлаб маҳсулот тайёрлаган. Қанорбой ота этикни жуда маҳкам ва чидамли, кўнғироқчалар тақиб тикканлиги сабабли, ҳурмати жуда юқори бўлган.

У доимо “Ёшлик – умрнинг илм оладиган ажойиб вақти, ким уни қадрлама-са, бахтли бўлолмайди”, “Энг катта бойлик бу – бориға қаноат қилишдир” каби ҳикматли сўзлари билан кишиларни камтарликка, меҳнат, ҳунар ва эзгуликка даъват этди. Қанорбой отанинг ўзи ҳам шу ҳаёт тарзига амал қилиб умрини ўтказди. Йўл ёқасида жойлашган кичкинагина чайласида яшади, этикдўзлик қилиб, қўй-эчки боқди. Мадад ва маслаҳат сўраб келганларга ҳам руҳан, ҳам маънан ёрдам берди, вақти-вақти билан халқ ичида юриб, ялангоёқларга пойафзал улашди, йиртилган махси-этикларни эса ямаб берди. У ҳар бир хонадоннинг азиз меҳмони, суҳбатдоши ва мададқори бўлиб, 1899 йил 63 ёшида бу оламни тарк этди.

Авлиёнинг ўлими овулдошлари учун қароматли бир мўъжиза бўлгани ҳақида халқ орасида ривоят бор. Айтишларича, Қанорбой ота вафот этган кеча яқин қариндоши Усен туш кўради. Тушида у, “Жанозамни ўқийдиган мулла Бухородан ўзи келади. Сизлар таҳоратларингни олиб, саф бўлиб турсаларинг бас. Мени шу ерга, қулбам ёнига қўминглар”, дея васият қилади.

Усен қарияларни йиғиб тушини айтиб беради ва авлиёни сўнги сафар маросимини ўзи айтганидек ташкил қилади. Жанозага сафланган овул аҳли, Бухородан етиб келган Қанорбой отанинг устози, мадраса мударриси Фахриддин домлани кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашади. Чунки, ўша даврда Бухоро билан овул ораси етти кунлик масофа эди.

Яна бир ривоят авлиёнинг қаромати ҳақида. Икинчи жаҳон урушидан

сўнг “Узункудуқ” совхози директорининг ҳайдовчиси Қанорбой ота зиёратгоҳидан кигиз тўшамасини олиб кетади. Зиёратгоҳдан йўлга тушган машина бироз юргандан сўнг, олдидан қоп-қора нортюя чиқади ва машинадан кўркмай, тўппа-тўғри тикка келади. Ҳайдовчи нортюяни босмай, деб машинани йўл четига олади ва қумга ботиб қолади. Ўт олдирса ҳам машина ёнмайди. Роса уринса-да, натижа бўлмайди. Бу орада нортюя кўздан ғойиб бўлади. Шунда ҳайдовчининг зиёратгоҳдан олган кигизи эсига тушиб, нотўғри иш қилганини тушунади ва ортига қайтиб кийгизни олган жойига қайтариб қўяди. Қайтиб келиб, машинани ўт олдирса, машина ҳеч қандай муаммосиз юриб кетади.

Эл орасида бу каби ривоятлар анчагина.

Улуғ авлиёнинг номи билан улуғланган Қанорбой ота зиёратгоҳи Навоий шахридан қарийиб 400 километр шимол-ғарбда, Учқудуқ туманининг Узункудуқ овулида жойлашган. Зиёратгоҳ авлиёнинг қабри, сағананинг шимолида қизининг қабри, қудуқ ўрнида тиловатхона, масжид биносиди “Қанорбой ота” мўъжаз музейи, у яшаган чайла қолдиқлари ва ҳўжалик биноларидан иборат.

Қанорбой ота яссавия ғоялари асосида оддий халқни ҳалол меҳнат қилишга ва шу орқали моддий аҳволини яхшилашга чорлаш борасида ташаббуслар кўрсатиб, атрофдагиларга ибрат бўлган азиз авлиёлардан бири саналади.

Сўнги йилларда бу кутлўқ зиёратгоҳ таъмирланиб маънавий руҳиятимизни поклайдиган, қолаверса, кишиларни қалбини тетиклаштирадиган, эзгуликка чорлайдиган масканга айланиб улгурган нурли манзилдир.

Мусаллам ИБРАГИМОВА, Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори ўринбосари.

Mulohaza

KASBINGIZ FAXRINGIZGA AYLANSANGIZ...



Insoniyat tarixida kasblar doimo muhim o'rin tutib kelgan. Bilamizki, har bir kasb o'ziga xos jihatlarga ega va jamiyat rivojida o'zgacha ahamiyat kasb etadi. Avvalo, kasb tushunchasini to'g'ri va aniq talqin qilishimiz darkor. Kasb – nafaqat tirikchilik manbai balki, shaxsning jamiyatdagi o'rnini belgilovchi muhim vositadir.

Kasblar jamiyat taraqqiyotining turli davrlarida shakllanib, rivojlanib kelgan. Hammaga ma'lumki, dastlabki ibtidoiy jamiyatda odamlarning asosiy kasb mashg'uloti ovchilik, dehqonchilik yoki hunarmandchilik bo'lgan. Bugungi kunda kasblar xilma xilligi yanada kengaymoqda. Shuningdek, hozirdafanvatexnologiyaning rivoji bilan butunlay yangi sohalar yuzaga keldi. IT mutaxassislar, blogerlar, SMM – mutaxassislar, dizaynerlar kabi sohalar zamonaviy jamiyat talablariga javob beradigan muhim yo'nalishlar hisoblanadi. Shu bilan birga, shifokorlik, muhandislik, o'qituvchilik kabi an'anaviy kasblar ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Kasbni tanlashda insonning o'z qiziqishlari va iste'dodlarini inobatga olish juda muhim. Shuningdek, hozirgi kunda qaysi kasblarning rivojlanayotganligi ham hisobga olinishi lozim. Misol uchun, texnologiya sohasidagi kasblarga talab oshmoqda, shuning uchun IT, dasturchi kabi sohalar kundan-kunga ommalashib bormoqda. Shu bilan birga, sog'liqni saqlash va ta'lim tizimlarida ham doimiy ehtiyoj mavjud.

Sir emaski, ko'plab olim va faylasoflarning kasblar nazariyasi haqida kitoblari mavjud. Misol uchun, Barbara Sherning “Refuse to choose” kitobi eng mashhur hisoblanadi va sevib o'qiladi. Ushbu kitobda bir necha sohalar qiziqadigan va kasb tanlashda qiyinchilikka duch keladigan shaxslar uchun maslahatlar beriladi. U har xil yo'nalishlarni sinab ko'rish va o'ziga mosini topish haqida gapiradi.

Mahmudxo'ja Behbudiyning “Maktab va kasb” maqolasida esa jamiyatning taraqqiyotida kasb-hunar va ta'limning ahamiyatiga alohida e'tibor qaratgan. Shuningdek, bu nazariyalarda kasb tanlash shaxsning qiziqishlari va xarakteriga asoslanishi kerakligi ta'kidlanadi.

Xulosa o'rinda shuni, har bir inson o'z ishiga mas'uliyat va muhabbat bilan yondashishi lozim. Chunki har qanday kasb jamiyatning rivoji va taraqqiyoti uchun xizmat qiladi. Kasbni sevib bajarish va nafaqat moddiy, balki ma'naviy baxtga ham erishishning eng yaxshi yo'li hisoblanadi. Kasblarni hurmat qilish va o'z ishimizga mas'uliyat bilan yondashish va muvaffaqqiyat kalitidir. Kasbingiz faxringiz bo'lsa, siz baxtli-siz.

Sabrina BOZOROVA, Karmana tumani 27-umumiy o'rta talim maktabi 11-sinf o'quvchisi.